



## БЕВОСИТА ИФОДАЛАНГАН ИЛТИМОС НУТҚИЙ АКТИНИНГ ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Бузрукова Махина Мухамадхоновна,  
СамДУ таянч докторанти*

**Калим сўзлар:** директив нутқий актлар, императив нутқий тузилма, декларатив нутқий тузилма.

Илтимос нутқий акти турли олимлар томонидан анчадан буён ўрганиб келинаётган ҳодисадир. Ушбу ҳодисага берилаётган таърифларда унчалик катта фарқ сезилмайди. Жумладан, Р. Эллас илтимосни вокелантирувчи стратегияларни “сўзловчи томонидан тингловчини бирор ҳаракатни бажариш ёки бажармасликка ундашга интилиш” сифатида тавсифлайди [Ellis 1994: 167]. А. Тросбергнинг наздида, илтимос “сўзловчи (requester) тингловчини (requestee) ўз фойдасига бирор-бир ишни бажаришга ундовчи иллокутив ҳаракат”, деб таърифлайди [Trosborg 1995: 187]. Ушбу кўринишдаги таърифлар илтимос нутқий актини тиллараро ва маданиятлараро чоғиштира таҳлилида ҳам асос бўлади. Бу йўналишда бажарилган дастлабки тадқиқотлардан бирини Ш. Блум-Кулка ва унинг шогирдлари олиб боришган эди [Blum-Kulka, Oeshtain 1984]. Уларнинг ишларида илтимос ва кечирим сўраш нутқий актларининг дунёнинг саккизта тилида ифодаланиш воситалари киёсланган. Тадқиқотчилар илтимос нутқий актини вокелантиришга иштирок этадиган стратегия ҳаракатларини тўққизта турга ажратадилар [Op. cit., 209].

1. Грамматик майл: тузилмадаги грамматик майл шакли илтимос иллокуциясини ифодалайди (*Clean up this mess, please*).

2. Перформатив феъл: тузилманинг иллокутив маъноси сўзловчи томонидан ошкора номланади (*I'm asking you not to park the car here*).

3. Кўшимча перформатив: иллокутив кучга изоҳ берувчи тузилмалар (*I would like you to give your lecture a week earlier*).

4. Локуция вазияти билан боғлиқ: иллокутив мақсад нутқий акт ижроси жараёнида равшанлашади (*Madam, you will have to move your car*).

5. Мухит билан боғлиқ: тузилма сўзловчининг ният, истак, хиссиётларини тингловчи бирор нарсага бажариши орқали ифодалайди (*I really wish you would stop bothering me*).

6. Таклифни билдирувчи лисоний қолип: гап мазмунида таклиф ишораси мавжуд (*Why don't you get lost*).

7. Тайёргарлик шартлари: тузилма тайёргарлик (ҳозирлик) шартларини маълум қилади (*Could you clean up the kitchen, please*).

8. Қатъий ишора: илтимос тузилманинг таркибида тағмаъноли ифода топади (*You're left this kitchen in a right mess*).

9. Юмшоқ ишора: илтимос ошкора ифода топмаса-да, лекин контекстга нисбатан шу мазмун мавжудлиги аниқланади (*I'm a nun*).

Ушбу муаллифларнинг CCSARP (cross-cultural speech act realization pattern) лойиҳаси кейинчалик тадқиқотчилар томонидан амалиётга татбиқ этилди [Eslamirasekh 1993; Helbig 2009; Hans 2012; Jalilifar 2009; Tawalbech 2012, etc.].

С. Блум-Кулка кейинги ишларидан бирида қайд этишича, нутқий актларнинг маданиятлараро киёсий тадқиқи тўпланган мисолларнинг икки кўринишидаги таҳлилини тақозо этади. Булардан биринчисида “стратегия шакллариининг тиллараро вариантлашув даражаси ўрганилади ва бир тилда маълум бир прагматик вазифа ижросига қодир бўлган воситалар мажмуаси аниқланади” [Blum-Kulka 1997: 55]. Иккинчи турдаги таҳлил



социопрагматик характерга эга бўлиб, унда “стратегиялар танлови билан боғлиқ маданиятлараро фарқларнинг турли вазиятлар ижтимоий, маданий шароитлар билан алоқадорлик даражаси ўрганилади” [Op. cit., p. 56].

Чоғиштира прагмалингвистика соҳасининг йирик мутахассисларидан бўлган А. Вежбицкая лисоний маданиятни унинг ички тузилишидан келиб чиқиб ўрганиш ва ҳар бир нутқий актнинг миллий-маданий табиатини ёритиш лозимлигини уқтиради [Wierzbicka 2003].

Демак, ҳар қандай нутқий актнинг тиллараро қиёсий таҳлили, ушбу нутқий актнинг социопрагматик хусусиятларини икки ёки ундан ортиқ маданиятлар доирасида намоён бўлиш ҳолатларини ўрганишни тақозо этади. Биз ҳам илтимос нутқий актнинг инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида ўрганиш жараёнида етакчи прагмалингвист олимлар ишларида олға сурилган назарий ғоялар ва улар тақлиф қилишган таҳлил усулларига таянишни маъқул топдик.

Илтимос нутқий аклари асосан иккита кўринишда бажарилиши ва шунга нисбатан уларнинг бевосита ва билвосита турларга ажратилиши анъанага айланиб улгурган. Ушбу кўринишга эга нутқий актларнинг социопрагматик ва миллий-маданий кўрсаткичлари кўпинча турлича бўлиши кутилган ҳол. Кўрсаткичларнинг лисоний ва маданиятлараро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш учун илтимоснинг бевосита ва билвосита ифода турларининг алоҳида-алоҳида чоғиштира таҳлилин маъқул кўрдик.

Инглиз ва ўзбек тилларида илтимосни ифодалаш имкониятига эга бўлган лисоний воситалар заҳираси анча бой. Булар – буйруқ (императив) шакллари, савол тузилмалари, модал бирикмалар, шама қилувчи иборалар, таркибида турли киритмалар мавжуд бўлган ёйиқ структуралар ва ҳоказо. Ушбу тузилмалар турли лексик-грамматик кўринишларда шаклланиб, ҳар хил воситалар ёрдамида мураккаблашуви мумкин. Аммо, уларнинг қўлланиш даражаси ва фаоллашув миқёси турли

омиллар билан боғлиқ бўлиб, ушбу омиллар баъзан тиллараро фарқ қилади.

Илтимос адресатни ҳаракатга ундаш иллокутив мазмунига эга бўлганлиги боис, одатда, директив нутқий актлар синфига киритилади. Формановскаянинг талкинича директив нутқий ҳаракатида “сўзловчининг етакчи мақсадларидан бири, яъни истак, хоҳишни изҳор қилиш билан биргаликда, адресатни ҳаракатга ундаш мўлжали намоён бўлади” [Формановская 2007: 306]. Илтимоснинг директивлар синфидаги бошқа нутқий актларидан фарқи шундаки, унинг ижросини бажараётган шахс расман адресат хатти-ҳаракатларини бошқариш ҳуқуқига эга эмас. У фақат адресатга ўз истаги, хоҳиши ҳақида хабар беради ва шу орқали уни ҳаракатга ундайди. Шу сабаб бўлса керакки, тадқиқотчилар илтимоснинг семантик тузилишини қуйидагича изоҳлайдилар: “менда (сўзловчида) ҳаракатга ундаш ҳуқуқи йўқ ва сен (адресат) ундовни қабул қилиш ёки қилмасликни танлаш ҳуқуқига эгасан” [Головинская 1993: 190].

Бевосита илтимос нутқий актини воқелантирувчи асосий лисоний восита – императив ва декларатив нутқий тузилмалари эканлигини юқорида айтдик. Аммо, императив шакли ҳам илтимоснинг семантик структурасини унчалик ўзгартрмайди ва ундовни қабул қилиш ихтиёрий бўлиб қолаверади. Л. А. Бирюлиннинг тавсифича, императив шаклидаги тузилма сўзловчига ўз фикрини тингловчига мажбуран қабул қилдириш имконини бермайди, аксинча, уни ҳамкорликка чақиради. Олимнинг фикрича, императив тузилмалар илтимос нутқий акти вазифаси фаоллашувида қуйидаги коммуникатив-прагматик шартларни воқелантиради: 1) илтимос ҳаракатга ундашга йўналтирилади; 2) илтимос қилувчи шахс тингловчидан маълум ҳаракатни бажаришни талаб қилмайди; 3) ижтимоий мақоми жиҳатидан юқори турадиган шахс илтимос қилганида тингловчи уни буйруқ мазмунида қабул қилиши ҳолатлари учрайди; 4) илтимос нутқий акти расмий ва норасмий мулоқот



мухитларида бажарилиши мумкин; 5) илтимосга эътироз билдириш мумкин; 6) илтимос билан мурожаат қилаётган шахс ўз фикрини асослаши мумкин ва бунинг билан эътирознинг олди олинади; 7) илтимос бажарилмаган тақдирда, тингловчига нисбатан бирон-бир чора кўрилмайди. 8) илтимосни ифодаловчи нутқий тузилмалар таркибида ҳурмат кўрсаткичи мавжуд бўлиши мумкин [Бирюлин 1992: 27].

Кўрсатилган коммуникатив-прагматик шартлар қиёсланаётган ҳар иккала тил учун умумий бўлишига ишониш керак, албатта. Бироқ императив шакллариининг кўриниши, прагматик вазифаси ва фаоллашув даражаси инглиз ва ўзбек мулоқот тизимларида бир-бирини тўлиқ такрорлай олмаслиги аниқ. Жумладан, бир томондан *Be careful!, Open the door!, Put it away!* ва, иккинчи томондан, *You be careful!; Everybody stand still*<sup>6</sup> каби гапларни қиёслаб кўрайлик. Ҳар икки қатордаги гаплар императив характерга эга бўлса-да, лекин, биринчи қатордагиларида эга ифода топмаган. Айтиш жоизки, ушбу турдаги императив тузилма бевосита илтимосни вокелантиришнинг энг кўп кўлланиладиган шакли ҳисобланади.

Баъзи тилшунослар эгаси зоҳиран ифодаланмаган императив тузилмаларни энг қатъиятли, ҳатто кўпол мазмундаги илтимос нутқий актини вокелантирувчи восита, деб ҳисоблайди [Фурменкова 2005:12]. Ҳақиқатан ҳам, *Open the window!, Stop the newspaper!, Bring me a glass of water!, Speak louder!* каби тузилмалар адресат ҳуқуқига (эркинлигига) тажовуз кўрсатади ва илтимосни буйруққа ўта яқинлаштириб юборади. Бу эса, ўз навбатида, коммуникатив мақсадга эришишни қийинлаштиради.

Буйруқ оҳанги, айниқса, тузилмалар таркибига эмфатик *do* киритилганда, янада

кучаяди: *Do take care!, Do be careful!, Don't be long!, Don't stay long!, etc.*

Эгаси ифода топган императив шаклдаги гапларнинг прагматик таъсир кучи янада ошади. Бундай гаплар таркибида эга ўрнида кўпинча иккинчи ёки учинчи шахс олмошлари келади. Масалан: *You be quiet!, You mind your own business, and leave this to me!, You come here, Jack and you go over there, Mary!, Somebody open this door!, Everybody shut there eyes!, Jack and Susan stand over there!*

“A University Grammar of English” дарслигининг муаллифлари Р. Квирк ва С. Гринбаум бу турдаги тузилмаларни “огоҳлантириш оҳангига” (admonitory tone) эга эканлигини қайд этади ва шу сабабли улар таркибига ҳурмат белгиси бўлган *please* элементини киритиб бўлмаслигини кўрсатиб ўтади [Quirck, Greenbaum 1989: 201]. Бундай тузилишдаги гапларнинг эгаси, одатда, илтимоснинг адресатини ифодалайди ва шунинг учун *Everybody stand still*, тузилмаси “*all of you stand still*” маъносида англашилмиши, “*you*” олмоши киритма хусусиятини олиши мумкин: Қиёсланг: *Everybody stand still, will you.*

Гапнинг эгаси ўрнида иккинчи шахс олмоши келганида илтимос нутқий акти таҳдид кучига эга бўлиши ҳам кузатилади: *Just you watch what you're doing!; Hey, you, watch what you are doing.* Кўрсатилган оҳангнинг кучи инкор шаклидаги тузилмаларда янада ошиши мумкин: *Don't you watch her! Don't you be so sure!*

Инглиз тили тизимида грамматикаллашган *let* феъли иштирокидаги императив тузилмаларнинг хусусиятлари ўзига хосдир. Аввало ушбу тузилмаларнинг эгаси ифода топиши умумий қоидага айланиб улгурган ва бошқа тузилмалардан яққол кўзга ташланадиган фарқи – олмошларнинг объект келишиги шаклини олишидадир. Бу биринчи ва учинчи шахс олмошларига бир хилда тегишлидир.

Масалан:

*Let us all work hard;  
Let me have a look;  
Let each man decide for himself;*

<sup>6</sup> Келтирилатган мисолларнинг асосий қисми инглиз тили корпусидан (ВЕС) танлаб олинган. Бошқа манбалари мурожаат қилинган ҳолатларда эса ушбу манбалар кўрсатилади.



*If anyone shrinks this action, let him speak now;*

*Let us come with you.*

Эслатиш жоизки, айрим пайтларда императив шаклидаги тузилмаларнинг прагматик вазифасини аниқлаш кийинчилик туғдиради. Масалан, *Don't let him eat it* илтимос нутқий актини шакллантириш билан бир пайтда, огоҳлантириш мазмуни ифодалаши мумкин. Худди шунингдек, *Let us see the film* тузилмаси таклиф ва илтимосни вокелантириш имкониятига эга (биринчисид мазмун "*I propose that we see film*" маъноси ифодаланади). Таклиф ҳаракати илтимос билан бир гуруҳни ташкил қилса, кўрсатма (instruction) эса директивларнинг бошқа гуруҳига киради: *Allow surface to dry thoroughly before applying a second coat* [Haddleston 1995: 365]. Ушбу ҳолатлар нутқий актлар прагматик мазмуни контекстуал характерга эга эканлиги ва прагматингвистик таҳлил учун нутқ вазиятига, ушбу вазиятни шакллантирувчи омиллари мажмуасига мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида айтилган фикрларни тасдиқлайди.

Маълумки, инглиз маданиятида бировларнинг ишига аралашмаслик, ўз фикрини очик баён қилиш маъқулланмайди, шу сабаб маслаҳат, илтимос нутқий ҳаракатлари кўпинча кечирим сўраш билан боғлиқ ёрдамчи стратегиялар ҳамроҳлигида вокеланади. Масалан:

*"Don't you go marrying just anybody, for love", she said. "Remember that love cannot last, it never does, but if you marry all this it's for your life. One day, don't forget, you'll be middle-aged and think what that must be like for a woman who can't have, say, a pair of diamond earrings. A woman of my age needs diamond near her face, to give a spark ... When the moment comes for you to choose, just remember what I say"* [Milford].

Мулоқотдошларнинг ижтимоий мақоми тенг келиб, суҳбат норасмий тарзда кечаётганида таклиф оҳангидаги илтимос вазмин руҳда, мулойимлик билан хабар қилинади ва нутқий акт таркибида

адресатга нисбатан ҳиссиётларни маълум қилувчи лексик бирликлар иштирок этади. Қиёсланг:

*Dear Irene,*

*I hear that Soames is going to Henley tomorrow for the night. I thought it would be great fun if we made up a little party and drove down to Richmond. Will you ask Mr. Bosinney, and I will get young Flippard. Emily will lend us the carriage. I will call for you and your young man at seven o'clock.*

*Your affectionate sister, Winfred Dartie* [J. Galsworthy].

Буюк Британияда жамиятнинг юқори табақасига тегишли шахслар мулоқотининг социопрагматик кўрсаткичлари ўзига хосдир. Шу табақага оид одамлар ҳар бир мавзуга оид ўз фикрларини билдиришга ҳаракат қиладилар ва бунда бевосита баён усулидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бевосита нутқий актлар бунда always, already каби равишлар, nobody, everybody олмошлари ҳамда мавҳум отлар ва модал феъллар иштирокида шаклланади. Қиёсланг:

*"Oh!" said Jane. "Why did you come to see me?". "Well," he said, "frankly I want you to tell me why Fleur and your brother come to an end with each other". – "I'm glad you asked me straight out; I hate people who beat about the bush. – I always thought it was too bad. Irene ought to have to put up with it. Only-only – they wouldn't have been happy. Fleur's too selfish. I expect she saw that". Michael raised an indignant voice. "Yes", said Jane; "you are a good sort, I know – too good for her". – "I'm not", said Michael sharply. "Oh, yes, you are. She isn't bad, but she's a selfish little creature", – "I wish you'd remember -". "Sit down! Don't mind what I say. I only speak the truth, you know ..."* [J. Galsworthy].

Бир қатор тилшунослар илтимос нутқий актини бевосита ифодаловчи императив тузилмаларни инглиз маданиятида, асосан, куйи табақа вакиллари нутқига хос, деб ҳисоблайдилар [Ларина 2007: 71-81]. Императив шаклидаги илтимос нутқий актининг қўлланишида қўйиладиган бундай чекловнинг сабаби





турлича бўлиши мумкин. Инсоннинг мустақиллиги ва эркинлиги инглиз маданиятида энг муҳим қадриятлардан бири ҳисобланади. Императив эса сўзловчининг истагини тўғридан-тўғри, қатъий равишда элементларнинг таркибга киритилиши ҳам адресатни ҳаракатга ундаш мазмунини унчалик юмшатмайди. Масалан:

*Hang on a minute, please;*

*Pass me my handbag, dear;*

*Just keep it for me.*

Ҳатто, уларнинг баъзиларининг гап бошланишида келишида, аксинча, илтимоснинг оҳанги янада, қатъийлашади:

*Please stop making all that noise!*

Ушбу оҳангни юмшатиш вазифасини гапнинг охиридаги киритма иборалар (*will you, would you, could you, right, all right, OK, etc.*) бажариши мумкин. Зеро, бу ҳолда сўзловчи адресатнинг розилигини олаётгандек туюлади.

Инглиз тилида мулоқот қоидаларини тадқиқ қилган К. Аймернинг қайдича, бевосита илтимос нутқий акти прагматик мазмуннинг модификатори вазифасини *you, do* элементлари ҳам бажариши мумкин эмиш [Aijmer 1996: 186]. Аммо, биз олдинги саҳифаларда бу элементларнинг прагматик мазмунини юмшатиш ўрнига, аксинча, янада таъкидлаши мумкинлигини айтган эдик. Масалан:

*Oh you, take the good one, and leave me the old one;*

*Just you excuse me two minutes while I try to find out this figure.*

К. Аймер келтирган ушбу мисолларда илтимоснинг юмшатилишига *you* олмоши воситасида эмас, балки *Oh, just* элементлари ҳисобидан эришилмоқда.

Шунинг билан биргаликда, кўрсатиб ўтилган илтимос шакллариининг прагматик мазмуни кўплаб бошқа бир қатор омиллар билан ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Боз устига, у ёки бу мазмун ифодасига интонациянинг роли алоҳида белгиланади. Бир хил кўринишдаги тузилмалар ҳар хил контекстларда турли интонация оҳанглари воситасида турли маъно касб этиши мумкин.

Инглиз мулоқот тизимидаги илтимоснинг императив шакли кўпол эшитилиши сабабли ўзбек тилидаги айрим тузилмаларни (масалан: *Марҳамат, юқори томонга ўтинг; илтимос, Лолага телефон қилиб юборинг*) инглиз тилига ўгириш қийинчиликлар туғдиради.

Инкор шаклидаги илтимос тузилмалари ҳам (*Don't smoke*), маълум даражада расмий мулоқот муҳитида қўлланиш имкониятига эга бўлса-да, лекин, унчалик хушмуомала эшитилмайди ва мазмун жиҳатидан *I'd rather you didn't smoke, if you don't mind* кўринишидаги нутқий актига қарама-қарши туради.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил ўзбек тили соҳиблари илтимосни бевосита ифодаловчи стратегиядан фойдаланишни маъқул кўриши ҳақидаги фаразни исботлайди. Чунки бевосита ифода тежамкор бўлиш билан бир қаторда, фикрни аниқ ва тушунарли баён қилишга имкон беради.

### Адабиётлар

1. Бирюлин Л. А. Теоретические аспекты семантико-прагматического описания императивных высказываний в русском языке. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – СПб. 1992. – 31 с.
2. Вежбицкая А. Англоязычные сценарии против «давления» на других людей и их лингвистические манифестации // Жанры речи. – Саратов, 2007. Выпуск 5. – С. 131-159.
3. Головинская М. Я. Семантика глаголов речи с точки зрения теории речевых актов // Русский язык в его функционировании. Коммуникативни-прагматический аспект. М., 1993-С. 158-218.



4. Ларина Т. В. Категория «вежливость» как отражение социально-культурных отношений (на материале английской и русской коммуникативных культур) // Вестник МГУ. Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2003. №4. – С. 139-149.
5. Ларина Т. В. Доминантные черты английского вербального поведения // Филологические науки. 2007. №3. С. 71-81.
6. Формановская Н. И. Речевое взаимодействие: коммуникация и прагматика. – М.: Гнозис, 2007. – 480 с.
7. Фурменкова Т. В. Средства реализации принципа вежливости в американском варианте современного английского языка. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2005. – 24 с.
8. Aijmer. K. Conversational Routines in English. Convention and Creativity. – L.: Longman, 1996. – 392 p.
9. Blum-Kulka Sh., Olshtain E. Requests and apologies. A cross-cultural study of speech act realisation pattern (CCSARP). // Applied Linguistics, 1984.vol. 5. – P. 196-213.
10. Blum-Kulka S. Discourse pragmatics // Discourse as social interaction. – L.: sage, 1997. – P. 38-63.
11. Ellis R. The study of second language acquisition. – Oxford: Oxford Univ. Press, 1994. – 312 p.
12. Eslamirasckh Z. A cross-cultural comparison of requestive speech act realization patterns in Persian and American English // Pragmatics and Language Learning Monograph Series, 1993. Vol. 4. – P.85-103.
13. Galsworthy J. The Man of Property. – L., 1994.
14. Galthworthy J. Swan Song. – L. 2003.
15. Hans X. A contrastive study of Chinese and British English request modification // Theory and Practice in Language Studies, 2012. Vol. 2. – P.1905-1910.
16. Helbig I. Request strategies and politeness in Luthuanian and British English, 2009. [www.ifa.amu.edu.pl/ylymp](http://www.ifa.amu.edu.pl/ylymp)
17. Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge: CUP, 1995.– 483 p.
18. Jalilifar A. Request strategies: cross-sectionsl study of Iranian EFL learners and Australian native speakers // English Language Teaching, 2009. Vol.2.- P. 46-61.
19. Milford. Love in Cold Climate.- L.: Penguin, 2006.
20. Qurk R., Greenbaum S. A University Grammar of English. – L.: Longman, 1989.- 484 p.
21. Trosborg A. Interlanguage pragmatics: requests, complaints, and apologies. Berlin: Mouton de Grayter, 1995.
22. Tawalbeh A., Al-Oqaily E. Inderectness and politeness in American English and saudi Arabic requests: A cross-cultural comparison // Asian Social Science, 2012. Vol. 8. – P. 85-98.
23. Wierzbicka A. Cross-cultural pragmatics. The semantics of human interaction. – Berlin: Moutou de Gruyter, 2003.

*Бузрукова М. Лингвокультурные особенности прямого выражения просьбы в речевом акте. В статье обсуждается, степень употребления речевого акта в английском и узбекском языках и степень его активации связанные с различными факторами, которые иногда различаются между языками. Хотя акт просьбы состоит из императивной структуры, было проанализировано, что императивная форма существенно не меняет семантическую структуру просьбы и что принятие вызова остается добровольным.*

*Buzrukova M. The linguocultural peculiarities of direct expression of request in speech act. The article discusses the fact that the level of use and scale of activation of the speech act in English and Uzbek are related to various factors, and these factors sometimes differ between languages. Although the act of request consists of an imperative structure, it has been analyzed that the imperative form does not significantly change the semantic structure of the request and that the acceptance of the call remains voluntary.*